

# **ХАВОТИР ОРОЛИ**

*Шеърлар  
Аъзам Обидов*

## **THE ISLAND OF ANXIETY**

*Poems by Aazam Abidov*

## **LA ISLA DE LA ANSIEDAD**

*Poemas de Aazam Abidov*

Тошкент  
2009

Муаллиф ушбу китобни тайёрлашда ўз ёрдамини аямаган самимиятга тўлиқ дўстлар – колумбиялик шоира Андреа Коте ва америкалик Жеймс Дэйга чуқур миннатдорлик изхор этади.

This would not be possible without the help of Colombian poetess Andrea Cote and American editor James Day. The author is grateful to them for their sincere contribution to the publication of this poetry collection.

*(Ушбу китобни марҳум устозларим Собирахон  
Нормирзаева, Олимжон Қосимов, Одилжон Носиров ва  
Маҳмуджон Маъмуровнинг ёрқин хотирасига бағишлайман)*

Инглиз тилидаги шеърлар муҳаррири: Жеймс Дэй  
Дизайнер: Давронбек Тожиалиев

Editor: James Day  
Designer: Davronbek Tojialiev

## ШЕЪРДАН ШЕЪРГА ТОЗАРИШ ОРЗУСИ

Яқинда бўлиб ўтган адабий йиғинда адабиётдаги жанговарлик ҳақида сўз борди. Ижодкорда жасоратнинг етишмаслиги, бунинг сабаблари ҳақида баҳс юритилди. Камина ўша лаҳзаларда бу дунёда кўркмай яшаш нақадар бахт экани хусусида ўйларди...

Бир сафар Колумбиянинг Меделлин шаҳридаги хибсоналарнинг биридаги мушоирада қатнашдим. Шаҳар тоғ ёнбағрида жойлашгани сабабли, махбуслар чор атрофни бемалол томоша қилишлари мумкин эди. Ҳар бир махбус кўнглидаги озодликка бўлган ғоят катта умид ва орзу бўй чўзиб бораётганини сездим унда. Қобикдан қутулишнинг уҳдаси бунчалар оғир бўлмаса...

Бир нарса қораламоқчи бўлсам, уни ҳамма ўқийди, у ҳамма учун бўлиши мумкин, деган ниятда ёзаман. Шеърдан шеърга тозариш учун қалам олмаган ижодкор бу дунёнинг туганмас кирдикорлари қаърига чўкиб бораверади. Моддият, манфаат, маишат каби жилолар покланаётган шоир қалбига раҳна сола билмайди. Шоядки, ўзлигини англаётган, ғуборсизланаётган кўнгил ҳислари бошқаларга ҳам кўчса. Ана шунда орзум ушалмоқда, дейиш ўринли бўлади шоир учун. Ўшанда бир-бирига керак эканини сезади инсон. Шунда ҳали-вери бу дунёдан нафасимиз қайтмайди, иншааллоҳ...

*Тошкент, 6 декабр, 2009 йил*

## ХАВОТИРДА ЯШАР ОДАМЛАР

Минг орзу-ла юришар улар,  
Доим хаёл суришар улар,  
Бир-бирини уришар улар, --  
Хавотирда юрган одамлар.

Хавотирсиз кунлари йўқдир,  
На кеча, на тунлари йўқдир,  
Чиқаргани унлари йўқдир,  
Хавотирда юрган одамлар.

Таралмоқда замин садоси,  
Одамлардан кутади нажот,  
Ёруғ жаҳон меҳр гадоси  
Бу кун ажал боғлаган қанот.

Табиатнинг дардлари сиғмас  
Зулмат ичра қолган кўксига.  
Бу армонга аталган тиғмас,  
Оролимнинг қалби ўксиган.

Заҳарларни келтирар еллар,  
Қариб қолган замин ҳансирар,  
Бир кун келар, ҳа, бир кун келар,  
Тупроқ биздан ҳаққини сўрар.

Ўтли қуёш сочолмас зиё,  
Секинлашиб қолар кадамлар,  
Хавотирда яшагач дунё,  
Ўзга қандай яшар одамлар?..

\*\*\*

Нега ғамга тўлдинг, кўнглингда армон,  
Нимадан кўрқасан ўч туртган қахр?  
Ахир мен Дантесга айланган виждон  
Шундоқ ёнгинангда турибман ахир!

## **РИВОЖ УЧУН**

Мен ўзни бир ишга бермадим тамом,  
Магар ривож учун интилдим бот-бот,  
Балки кетмоқдаман шовқинсиз, беном,  
Турфа давраларда нотаниш, ёт-ёт...

Истайман, не бўлса, айтинг, келтирай,  
Бир не умидида юрган бандалар,  
Катта гапиришни билмасман сира,  
Жиним суявермас локин майдалар.

Бир кун баландроққа учгум албатта,  
Гоҳ алам, гоҳ завқ-ла бўлур дув-дув гап...  
Тўхтанг, оғзингизни очмангиз катта,  
Тўхтанг, қанотимни олай тўғрилаб!

## ДУНЁ

бу бир дунё, баъзан ҳеч нарса  
истамайсан истакни излаб,  
мазлум учун чалинар қарсак,  
золим тўрга олингай сизлаб.

бу бир дунё, пулинг борида  
ўйламайсан аслингни асло.  
бунда ҳар ким иш бозорида  
қилгайдир ўз билгича савдо.

бу бир дунё, кўпдир баҳона,  
гуноҳ учун тўкилмайди ёш.  
девор бориб теккач пешона  
ибодатга эгилади бош.

Бу бир дунё, сароб даштида  
Қурбонликка сўйилар қўзи,  
Бу бир дунё, сувнинг устида  
Кўпиклигин билмайди ўзи.

Бу бир дунё...

## УЙҒОНИШ

Қўзим кўкка тушди очилган они,  
Ў, қаерда қолдинг жоним тафаккур?  
Нечун билинмайди менинг ўлғоним,  
Ва ё тириклигим нишонаси - нур!

Қотиб қолибди-ку қишнинг чилласи,  
Ўзин кўрсатмайди баҳорлари ҳам.  
Шунчаки кун ўтса ёшлик йиллари,  
Ким суяб яшарди эрта - қарисам?

Ажаб, жисмим ерга қолибди сиғмай,  
Рухимни жойлаган қафас бунча тор?  
Ўзим ўзлигимга отилган тиғман!  
Йиқилсам, тўрт ёндан суярми бозор?

Хаёлнинг илкига топшириб қўйиб,  
Ё раб, дунё менсиз яшабди бехос.  
Ох, илиқ оғушда ётганим қўйи  
Нахотки шунча йил ухлаганим рост?  
Нахотки?..

Қарайман, ҳайратда толмайди қароқ,  
Замин мутлоқ ўзга,  
Чор тараф - янги!  
Устимда ҳайбат-ла отсайди оппок,  
Зулумот осмоним,  
Қоп-қора тонгим!

## **МЕН БЕПАРВО**

Мен - бепарво,  
Тун - беғалво,  
Қуним утар зўрғалаб,  
Ўзинг кечир  
Азим Худо,  
Кетажакман йўрғалаб.

Йўлим - йирок,  
Дилим - фироқ,  
Рух заминда сарғаяр,  
Осмонингда вах, тоабд  
Қолиб кетса қарғалар.



## ХАЛИ БУ ДУНЁНИ

Сени бу заминдан кўчиргим келар,  
Бутун борлигингни этиб ғайри ҳол.  
Қаро тупроққа ҳам суянса бўлар,  
Мусаффо заминда кўкарган ниҳол.

Ҳали бу дунёни алдайверар шон,  
Бизни ёлғизлатмас дўстона шамол.  
Қурисак,  
Осмонда қовжирасин жон,  
Қуласак,  
Паноҳга  
    олар  
        Зулжамол!

## НАҲОТ-НАҲОТ

Ҳақнинг қўли етди бўғзимга,  
Кўнгил маъюс тортиб қолди жим.  
Шу он савол қилдим ўзимга,  
Қайтгум қандоқ, келиб ким бўлдим?

Зотан нукул чайналди тилим,  
Не иш бўлса ютдим ичимга.  
Мени ҳаққа қовуштир, ўлим,  
Тили кесик жонга ачинма!

Бир кун илдиз отмоқ касдида  
Дил тубига тўкилар сирлар.  
Наҳот-наҳот қабр устида  
Бўй чўзади рўйи-рост шеърлар?

## ДУНЁҚАРАШ

Баланд учган эркин қушим бўл,  
Қўрай десанг ўздан узокни.  
Англагайсан: недир курук, хўл,  
Ҳам қўйилган гулдор тузокни.

Чиқиш йўлин очиб юбор кенг,  
Озод элга кенглик ярашар.  
Қушим, сенинг парвозингга тенг  
Дунёқараш, дунёқарашлар...

## НАВОИЙ БИЛАН

Замон билан сарсон гулбадан,  
Мен мозийга кўчиб кетаман,  
Армон асир қилган кулбадан  
Қанот ёзиб учиб ўтаман.

Қайда қолди менинг ўз ўрним?  
Яссавийни соғиндим жуда,  
Тунов куни Машрабни кўрдим,  
Мўралади менга дарчадан.

Юрагим-эй, бўзлама куйиб,  
Тилло бешик-мозийга белан.  
Бошгинангни кўксига кўйиб,  
Йиғласайдинг Навоий билан!

## ФИДОЙИ ЭЛ

Ўргимчакдан ўрнак ол, дўстим,  
Ўз боласин ҳаёти учун  
Ширин жондан айрилари жим,  
Ҳам едирар ўз гўштин бутун.

Фидойи дўст, фидойи эл, бас,  
Асли эрур оловли вулқон.  
У ўзига ҳеч нарса қилмас,  
У ўзини қилгайдир қурбон!

## НЕГА СИНИҚ ОВОЗИНГ, ШОИР?

Нега синиқ овозинг, шоир?  
Сўз айтмоқ-чун хурликка доир -  
Садо керак, садо керак!

Дилда зарра мараз бўлса гар,  
Бошиданоқ, ғараз бўлса гар,  
Адо керак, адо керак!

Гуллаб ётган ҳою ҳавасдан,  
Ва ё оғу – ичилур қасддан,  
Жудо керак, жудо керак!

Ҳар одамнинг ўрни бор юртда,  
Бул Ватанга лоақал битта  
Фидо керак, фидо керак!

Шаҳдинг қани, чиқибсан йўлга?  
Ҳар сония забону дилга  
Худо керак, Худо керак!

Нега синиқ овозинг шоир?  
Сўз айтмоқ-чун хурликка доир -  
Садо керак, садо керак!

## ЭСКИ ШАҲАР

Дунё кенг деб кетмишдир тўзиб,  
Нега келсин ахир орлари,  
Эл ичида юргайлар кезиб  
Эски шаҳар мардикорлари.

Бола-чақа кетмишдир йироқ,  
Интиқ кутар қайтиш онини.  
Шу жонларга жўнатса тезроқ  
Ҳалол топган битта нонини.

Сал бўлса-да ўсгани қани,  
Ёпилар-ку корхоналар бот,  
Юз қарич тил бор мақтагани,  
Инсоф борми сенда, иқтисод?

Оқсоч она, бормисиз омон,  
Ота, қачон топгайсиз хузур?  
Ҳарқалай-ку, яхшими-ёмон  
Бозор, сенинг борингга шукур!

Демишларки, орзуга йўқ айб,  
Кексайганда очиб пулдонни,  
Жондош, йўлга чиқсанг атайлаб,  
Кўрсанг Нью-Йорк, Париж, Лондонни...

Юрагимга ботди бигиздай,  
Бир мошнадан жой талошлари..  
Катта ойлик иш кўрсам сизда  
Эҳ, юртимнинг кекса, ёшлари!

Афсус, ҳозир кетмишлар тўзиб,  
Нечун ишга келсин орлари?  
Бир кун.. шундоқ кетамиз ўзиб,  
Биз ҳаммадан кетамиз ўсиб!..  
Бизга ишлар бу ернинг эмас  
Олис Марснинг мардикорлари!

## ЭРКЛИК СИРТМОҒИ

Бир кун очик мактуб бўлади асрор, -  
Очилиб кетади қозон қопқоғи.  
Айни фурсат эрур бўлмокқа иқрор,  
Кучингиз етарми, эрклик сиртмоғи?

Урилган, эзилган, қақшаган жонлар  
Чиқиб келаверар қон зиндонлардан,  
Ҳақдан сўз очганда куйик забонлар,  
Ҳурлик қанот қоқар хиёбонларда.

Ҳозирча қўлларнинг калталиги бор,  
Тўлиб бораверар қабр бошлари.  
Надомат илкида сўлар бир иқрор -  
Ҳали ёрилмайди сабр тошлари!

Лек бир кун ҳаммага очилар асрор,  
Ҳақдир зулумотнинг эриб битмоғи!  
У пайт эл кўзига қараш-чун такрор  
Кўзлар топиларми, эрклик сиртмоғи?!

## РҲЙХАТ

Ватан  
Ватан  
Ватан  
Ўттиз уч йил яшаб  
Ўз пулимга олган  
Миттигина шу хонамга ҳам –  
Ўзимнинг номимдаги шу кулбачага  
Рўйхатга қўймаслар

Пора бериш учун пулим йўқ!  
Ёхуд пулим бору порам йўқ!

## БУ ДИЛ...

Елкамдадир гуноҳнинг қўли,  
Учолмасман оппоқ тушимда.  
Тўлғонади ғамнинг кокили  
Юрагимнинг пок оғушида.

Дунё мени тушунмай ўтар,  
Кўзларимни очар синиқ тонг.  
Етолмасам, қўлимдан кўтар,  
Мулкингга шоҳ бўлайин, осмон!

Эрким эрксиз маконда кезар,  
Бормикин-эй масъуд куш дарди?  
Бу дил сабр қалбини эзар,  
Кўмсар учиб юрган тушларни!



## ШОИРНИНГ ДИЛДОРИ

Бир шоир бўларди –  
Ҳақиқий шоир!  
Мансаб - ёт, мақтов - ёт,  
Қоғозда дарди,  
Халқдайин кун кўриб юрарди оғир,  
Озодликнинг қўлин ўпарди!

Бир аёл бўларди –  
Шоирга ҳасса,  
Аммо айтганига тобе эди ул.  
Қараб ўтирарди шоир шеър ёзса,  
Ашъор ўқиганда сомё эди ул.

Бир йилки  
шоирдан йўқ энди нишон –  
Чўзиб ўтирмайин рихлат онини,  
Сўнгги бор кўзида ёнди-ю исён  
Шукур деб Жабборга тутди жонини.

Йил ўтди,  
Аёлдан йўқ бирор хабар,  
Билсам, сотилибди ижара уй ҳам.  
Балки қай юртларда кезар дарбадар,  
Эҳтимол... кун кўрар беташвиш, хуррам.

Кўрсам,  
Кўча-кўйда учратганим он,  
Саволга тутардим дарҳол ботиниб:  
«Шоирсиз яшамоқ эканми осон,  
Шоирнинг Охирги Хотини?»

Бир аёл бўларди – шоирга далда,  
Қани у, қай маҳал кетган қай сори?  
Наҳот шоир зоти ўлган маҳалда  
Ўлгайдир унинг ҳам дилдори?!

## СЕН УЙҒОН

Яна узоқлардан келар насиба –  
Шимолий ўлкага тўкилар парвоз...  
Табассум-ла юртнинг остонасида  
Нақ қиролнинг ўзи чиққайдир пешвоз.

Бунда буюқларнинг барчаси мезбон,  
Гарчанд доврўғ баланд, обрўси – қадим,  
Қуллуқ қиларкансан, “Хуш келдинг” дебон  
Альфред Нобель бобо кўлинг сиқади.

Қирол саройига босасан қадам,  
Димокқа урилар кўҳна ифорлар,  
Сезасан, мухтарам бундаги одам,  
Хаёлингни бўлар аҳли киборлар.

Кеч тушмас, ёш-яланг ичра тун уйғоқ,  
Устингда учади эрка чағалай,  
Баҳайбат қайиқлар ошени – қирғоқ,  
Ҳайкаллар сояси бошга ағанар...

Тасаввур илкига қолдириб ўзни  
Тутаркансан Ерни шу митти кафтда,  
Олисда аёлинг уч қоракўзни  
Эркалаб ухлатар сенсиз бир ҳафта.

Онанг кетганингдан топмаган хабар,  
Таҳорат учун деб қайнатар қумғон...  
Азизим, мен турдим, энди, бу сафар  
Сен уйғон, сен уйғон, сен уйғон!

## ҚАНДОҚ АЗОБ

Қайга оқар бу сокин дарё,  
Нима кутар уни сўнгида?  
Тўлқинлари урмасми фарёд  
Қумга сингиб кўзин ўнгида?

Сувинг лойқа, лек қалбинг бегард,  
Дарём, сендан бошланар поклик,  
Фақат, қандай азоб, қандоқ дард  
Оқибатни билмай оқмоқлик!

## У ДУНЁДА

Бир инсоннинг тугади умри,  
Лек ортидан кўпайди гап-сўз.  
«Бисёр эди ул зотнинг шукри,  
халол ишлаб топарди ризқ-рўз.

Ёш эди-я, тагин ортидан  
Болалари қолди чирқираб.  
Тиним билмай элнинг дардида  
Букилганни турганди тираб.

Учраганда кўнгли шикаста  
Аҳвол сўраб ўтарди нукул,  
Ох, юрсайди қани ўлмасдан  
Ҳузур кўрса бўлмасмиди ул?!»

Ўйладим – бу гаплар пуч асли,  
Беихтиёр ахир жон-танлар...  
У дунёда керак бўлмасми  
Бу дунёда тиргак бўлганлар?!

## **КЕЛ, ҚАЙТА БОШЛАЙМИЗ...**

Жисму жон қораймиш ғубордан,  
Не бахт, бир завқ етгай ифордан,  
Яшашни ул яшил баҳордай  
Кел, қайта бошлаймиз, юрагим.

Умримиз асли-ку хайрия,  
Фанонинг бақога сайри-я,  
Ўтмишнинг барига хайр дея  
Кел, қайта бошлаймиз, юрагим.

Дўст дебон юрганим олчокдир,  
Остимда қоп-қаро ботқоқдир,  
Вазифам – тонг бўлиб отмоқдир,  
Кел, қайта бошлаймиз, юрагим.

Иймон бор - Фазойим ҳулқари,  
У бир йўл – умримнинг меҳвари,  
Тавбага - ўлмасдан илгари  
Кел, қайта бошлаймиз, юрагим!

## У

У Ватанни ватандошгамас  
Ўзгага мадҳ этиб юради,  
Кези келиб қолса, бошқамас,  
Ўз-ўзини бошлаб уради.

Ҳеч нарсамас унга мансаб, шон,  
Эполмайди менежерликни,  
Келаверар ўпгиси ҳар он  
Рангдор кўзларидан ҳурликни.

Ҳей, кўлкалар, нияти нософ,  
Қанотини кесманг бу жонни,  
Қобиғида юрганда атроф,  
Забт этар у бутун жаҳонни!

## МЕН ҚҰРҚМАЙ ЯШАЙМАН

Мен қўрқмай яшайман, кунларим ботир,  
Кучлидир осмонни кўзлаган хотир,  
Қушдек нигоҳимдан учган хавотир,  
Бир ишқнинг кўксида битмас жабрим бор.

Ўсаман, оҳ урган тунларим ёнар,  
Тонг бўлиб, донг қотган йиллар уйғонар,  
Бизнинг ҳам кўнгиллар бўлар тўйхона,  
Ойнинг келгунича кундай сабрим бор.

Жон чексам, жонимнинг тиллари оғрир,  
Сўнгсиз истаклардан қийналар бағрим,  
Лек қўрқмай яшайман, шукрим, тангрим,  
Дунёнинг бурчида битта қабрим бор!

## МЕДЕЛЛИН

Ашъорга ошнолар колди, дер,  
Интизор юракка не дейин,  
“Хайр” демам, бир ўпай, кўлни бер,  
Дилтортар ифорим, Меделлин!

Тоғ аро йўллари айланма,  
Адирдан адирга йўлланма,  
Ям-яшил қаҳвадан сайланма,  
Бир тиниқ баҳорим, Меделлин!

Хотирга келади дорлари,  
Букритан, кесикбон орларим,  
Ўзни тик бўлмоққа чорладим,  
Умидбахш мадорим, Меделлин!

Кезарим ўлкалар кўп маним,  
Ёт билмай, пойини ўпганим,  
Фақат сен қайта эрк топганим,  
Абадий хуморим, Меделлин!

(Меделлин – Колумбиядаги шеърият шахри)

## БИР КЎПРИКМАН

Бир кўприкман,  
Ўз билгича  
ҳеч ким босиб ўтолмас,  
Таққа тўхтар,  
иккиланар, етиб кетиб олдимга.  
Манфаатни маёқ қилган  
судралувчи неки кас  
Чин самимий хизматингни  
чакиб кўрар олтинга.

Айтишар-ку, тошқин дарё  
асли кўп-кўп ирмоқли,  
Довдиратиб ташламаса  
илоншакл кўрк, башанг.  
Менга шараф элдан элга  
бир хор кўприк бўлмоқлик!  
Остимдаги оғзин очган  
юҳолардан кўрқмасанг!

Кўприк бўлай,  
бу заминдан узилмаса оёғинг,  
Самоларга сачраганинг  
Бўлса гар ҳақ ортидан.  
Ўткир-ўткир чарх урилган  
Айтар сўзинг – яроғинг,  
Олов-олов руҳинг ёнса  
Тирикликнинг шартидай!

Кўприк бўлай!



## ЯНЧИНГ ҚОНЛИ ҚИЛИЧНИ

Кун қораяр, дил ичра  
Бўшлиқ қолар мунғайиб,  
Бўй чўзади қиличлар,  
Бош тарафда тун ғайир.

Санчиқ-санчиқ, чуқур жар,  
Қақшаб кетар руҳи пок.  
Тилим бор деб чуғурлар  
Қаро терга ботар ҳок.

Бегонадир ёқмаган,  
Ёқтиргани – ғуломи,  
Таржимаси чиқмаган  
Танқид деган каломни...

(Аниқ, бир кун чириши)  
Тайёр турар ўлишга!  
Яшаларми тиришиб  
“Олтин ўрта” бўлишга?

Дил қораяр, кун ичра  
Нур қолади мунғайиб,  
Янчинг қонли қиличлар  
Кетмасидан улғайиб!

## ҚАЛТИРОҚ САДО

Дунёда энг гўзал нарса ҳам  
Унча мафтун этмас, дилтортармас ҳеч.  
Мисол: қувонч тўла ҳаёт муҳтарам,  
Мушаклар нурида ялтираган кеч...

Шу яқин атрофда қалтирар садо,  
Аммо зўр тантана қизиқ олмас тус,  
Озод бўлмагунча кишанлардан то  
Мухолиф қарашли сиёсий маҳбус!

## ИНТИЗОР

Тонг ёришар,  
Қора булутлар  
Ўлкасига тарқалар яраш,  
Тилга кирар тилсиз сукутлар,  
Керишади соф диний қараш.

Ул қоронғу фикрлар кошки  
Оппоқ бўлиб ёришса онгда!  
Дўстнинг озодлигидан бошқа  
Хушхабар йўқ мен-чун бу тонгда...

Онг ёришар...

## ВАҚТ

Келиб ўнгу тесимдан  
ёнимни олади вақт  
Айриб ақлу эсимдан  
жонимни олади вақт.  
Жаҳд ичинда тирмашиб  
шонимни олади вақт,  
Олинмайди озодлик!

Нақдимни шилади вақт,  
Бахтимни юлади вақт,  
Вақтимни олади вақт,  
Олинмайди озодлик!

## ТОМОШАБИН

Оҳ, шунчалар болми ҳаёт,  
Юрак бўшлиқ аро маст.  
Умид асло бўлмас қанот,  
Орзу жонга оромас.  
Бошим баланд, оёқлар лек  
Узилганмас заминдан,  
Надоматким, милёнлардек  
Битта томошабинман!  
Лоқайдликдан йиқилар гул,  
Қон ютади субутлар.  
Оҳ, бағримга тикилар ул  
Боши кесик умидлар...

## БИР ҚУШ БОР

Мен бир қушга ўхшар эмишман,  
Мослик топиб ҳар йил йил фаслига,  
Ўзимни ҳам танийман қисман,  
Энди қанот чиққан аслида.

Лекин мени ўхшатманг, ҳайҳот,  
Қуруқ номга мадҳия айтиб,  
Шундай қуш бор, этсанг-да озод  
Учиб кирар қафасга қайтиб.

Мени ўша қушга ўхшатманг!

## КЎНГИЛГА ИФОРЛИ БАҲОРЛАР БОРДИР

Мен гуноҳ қиламан ёлғиз ўзимга,  
Қутқара олмайди соддадил ҳаёт.  
Сендан қўрқмагайман, фақат кўзингга  
Тик ҳам қаролмасман, иқтисодиёт.

Кўнгилга ифорли баҳорлар бордир,  
Замин, осмон олсин заҳматларингни.  
Бас, энди ҳеч кимга айтмайман, тақдир,  
Тиллари музлаган ҳасратларимни.

Ахир гуноҳ қилгум ёлғиз ўзимга,  
Иқтисод, сиёсат, тутмам барингни.  
Она, лабим боссам оппоқ изингга,  
Отам, кучиб ўлсам оёқларингни!

## КЕЧИРИМ

Мен асли ҳеч нима билмаган банда,  
Ақлимнинг сўнггида бор сўроқ белги.  
Ҳаёт – у дунёга берилган фойда,  
Пешонангни ёриб яшамоқ кулги.

Дунё, окшомингда бўлмасин хатар,  
Қўрқиб тўлғонмасин сарсона тушлар.  
Тонгнинг қулоғидан тортиб уйғотар  
Деразам олдида шукурли қушлар.

Мен кетсам ярим бир кечда уйғониб,  
Серғалва умримнинг ғавғоси жимжит.  
Қарадим, ташвишлар кетмишдир ёниб,  
Сўрадим – кўнглимга тўкилди умид!

Кечир, балки умрим йўлаклари тим,  
Юракка бир меҳр экканим сийрак.  
Ох, минг бор ўзингга юкиниб келдим,  
Фақат Сен истаган жон бўлмадим, Ҳақ!

Мен асли ҳеч нима билмаган банда,  
Ақлимнинг сўнггида бор сўроқ белги.  
Ҳаёт – у дунёга берилган фойда,  
Пешонангни ёриб яшамоқ кулги.

## ИЖАРАЧИ

Бутун мамлакатда мингта уйи бор,  
Қайга борса топар ошу нонини.  
Бир кун бахти кулиб бўлса-да пулдор,  
Уй олиб ўтирмас кийнаб жонини.

Бу ёғи ўттиздан ошган, ким билар,  
Боғлаб қўйилганмас ахир умр ҳам.  
Фақат гоҳ жимгина дилни тимдалар,  
Сал-пал эзиб қўяр битта ташвиш-ғам.

Яъни бола-чақа, хотин икковлон  
Жонига тегаркан ижара турмоқ,  
Қачон уй бўлар, деб қилар тўполон,  
Наҳот бўлаверар ватансиз юрмоқ?

Балки ачинардир танишу жўра,  
Лек у дунё ишин қилади кулгу.  
Топган-тутганини ўзидан кўра  
Атрофнинг бахтига сарфлайди У.

Шу тахлит яшамоқ унга зўр чирой,  
Эрта бошқа уйга кўчмоққа шайдир.  
Бутун ер устини қилиб олмиш жой,  
Бир кун ер остини Ватан тутгайдир!

## БЕБОШ БЎЛДИМ

Мен тош бўлгум  
Ва синик бардош,  
Лек дил ойна мисол чилпарчин,  
Ташимдаги қиёфа юввош,  
Ичимда бор шиддат йўлбарси!  
Асрорим йўқ,  
этолмаслар фош,  
Ҳаётга ҳам келмас ялингим:  
Фақат ортик бўлолмайман қош,  
Соқол ва соч бўлсам –  
Олингум!  
Бебош бўлгум!...

## МУТОЛАА

Эркакни,  
Аёлни,  
Гўдакни,  
Ҳузурига кўтарди.  
Асради Китобни –  
Ерга керак у!  
Ҳеч ким чинқирмайди  
Китоб ортидан  
Ув тортмайди ҳеч нима,  
Ҳузурига кўтарилса гар.  
Бирок,  
Замин бўлиб қолади бўм-бўш  
Усиз ҳам!  
Фақат  
ЯРАТИЛИШ сўзи  
Муаллақ қотади у маҳал  
Дуо мисоли.  
Керак бўлмай қолар ҳеч кимга ҳеч ким.

## ХАВОТИР ОРОЛИ

Билаклар қалтироқ,  
Овоз қалтироқ,  
Тилаклар ялтироқ,  
Қоғоз ялтироқ,  
Гўё унут бўлган  
Момоқалдиरोқ –

Хавотир ороли бу!  
Асотир ороли бу!

Ризо жонлар қани,  
Бисёр норози,  
Ғаним юкин босар  
Ағёр тарози,  
На бир самовийдур,  
Ва на арозий –

Хавотир ороли бу!  
Асотир ороли бу!

Барчинлар қон кечар,  
Яқинда алп йўқ,  
Ёрилай дейсан-у,  
Кўксингда қалб йўқ!  
Букилган, тугилган  
Мушт бор-у зарб йўқ! –

Хавотир ороли бу!  
Асотир ороли бу!



# THE ISLAND OF ANXIETY

*Poems by Aazam Abidov in English*

*Edited by James Day*

## **DREAM OF PURIFICATION FROM A POEM TO ANOTHER**

Recently the subject of combativeness has been discussed in a literary meeting. The lack of courage in creative people and its reasons have been considered during the discussion. That time I was thinking about the fact that to live without fear was the happiest thing in the world...

Once in Medellin, Colombia, I attended a poetry reading in a women's prison. Because the city was situated on the hills, prisoners had a chance to see the city view easily. I felt how every prisoner had a great hope and dream towards freedom. How it is difficult to get rid of the shell, I noticed...

When I write a poem, I intend that this poem may be read by all, thus it may be everyone's poem. A poet, who does not aim to purify himself from a poem to another one, will sink into bottomless tricks of this world. Money, interest or festivity will not be able to destruct the poet's heart. It wishes that the feelings of the purifying and recognizing itself Soul, moved to other people's hearts, too. Only after that it will be relevant for the poet to say that his dreams come true. Only after that a human being will feel that every person needs one another. Only after that we all start breathing properly, Insha'Allah...

*Tashkent, December 06, 2009*

## **GABREL, TOUCH ME GENTLY**

*(Ghazal)*

Gabriel, touch me gently with your wings,  
Oh, my gracious - from backstage - woe stings.

Graves are either gardens of endless delight  
Or deep holes down to hell, where evil flings.

I want to be a spot in the hair of a camel,  
Like a leaf, my life in windy weather swings.

The task of time is killing off all lavish gifts,  
It never comes anew – life chimes – it never rings.

Among the dead, be the most attractive, Aazam,  
As Solomon is the best of all earthy kings!

## **SHADE**

I always look for shadow  
Everything is obscure though  
The sky sleeps in my eyes,  
The Moon is slice and slice.  
I'll find the right shadow  
In the doomsday meadow –  
When everything fades,  
Will be seen God's shade.

## **PRIORITY**

What I've already seen,  
White and black or green  
Is nothing at long last,  
We're still on the go.

A dead ant in the grass,  
Without any fuss  
Had experience so vast  
Of things  
Ages ago.

## LIE

Referring to the Lord  
A worshiper cries:  
“See, there are such a lot  
Of wherefores and whys.”

Referring to the Lord  
A worshiper cries:  
“I can not afford  
To tell you lies.”

Angels in the sky  
Look at the earth:  
“If there is a lie,  
There’s no happiness or mirth!”

## FORMULA

Here is the formula:  
“Life = Plus + Minus”  
How can I see the right way  
If I am eyeless?!

## I AM CLAY

I am clay –  
Liquid and weak.  
I have neither tongue  
Nor mouth, to speak.  
Everyone likes  
To make some figure  
To make a shape  
From me.  
I am clay –  
Liquid and weak.  
I always go  
Through palms.  
I leak...  
I leak...

## A POEM OF EQUALITY

Who you are –  
A white man,  
    black  
        or red,  
You are a boon companion or a threat.  
To put yourself first  
how can you well afford,  
But look here –  
You're a human being from the Lord!

Who you are –  
A Muslim,  
    Christian,  
        Sikh,  
You adore –  
    On men -  
        To play a trick,  
With the others  
will you not accord,  
But remember,  
You're a human being from the Lord!

You are my brother,  
You are my sister,  
darling,  
God will look at  
not your varied colors, -  
But at your heart  
And at your good intentions  
So, why kill each other,  
Why fight,  
We are equal  
and we all have  
the same right!

May God take  
in due course  
our lives.  
Just tell me,  
does friendship  
have a price?  
We were given time –  
Very short

Remember,

we all return back to the Lord!

Who you are –  
A white man,  
                  black  
                          or red,  
You are a boon companion or a threat,

Pass these words  
                  to others in a cord:  
We're one human being from the Lord!



## IN YOUR SOUL

*(ghazal)*

Tell me, o devoted, who else is in your soul?  
Do you really want me to go hence in your soul?

I wear my sunglasses to hide myself from a rival,  
It seems there is not contact lens in your soul.

You hurt my pride; however, I'm not domineering,  
I found the face of shame is too dense in your soul.

It's my fault - to ring aloud - before you fell in love,  
I could not hang acoustic bells in your soul.

Belief's in blood, no mercy, again to whom I cry,  
Aazam, poor and naïve, is on sale in your soul.

## TOO LONG

We  
strive to go to rich countries  
send our husbands and wives  
they do hard work  
or sell themselves

The other people in this country  
have luxurious weddings  
from the sent money  
and sing a song of happiness

We all work for the government

The tongue of the government is too long.

## **NEAR AND FAR**

Dread is near to me  
Near to my soul, as I am afraid of it  
I run away  
I flee  
And I am far from wit

There is only one thing:  
When I fear Him  
I will come so near  
With my everlasting fear.

## **BRIBE**

It is understandable  
To accept a bribe and to give it  
In business or social life.  
However,  
People kill me with a blunt knife –  
They give and take bribes  
To go to Mecca  
For purification.

Horned pilgrimage.

## **DO NOT LET ME DREAM**

Do not let me dream, my dear fellow,  
Do not help me when I faint away.  
Those past years have made me mellow.  
Let me please inspire your intentions,  
I kindly ask to let my hands aid  
What you need, take, do not be afraid...  
Feathers of my wish I start to trim –  
To let others have a long, long dream.

## **GOD IS SLEEPING**

The old serpent is sitting on my shoulder,  
I cannot open my eyes,  
I cannot open my lips  
to thank God.

In addition to this it's raining.

I am growing stout – what is more.

God is sleeping in my heavy heart.

\*\*\*

The soul fills with liberty  
Keen light looks like your sad hope  
You never dreamt of.

## I MISS

I miss,  
Trees begin to sing,  
The Sun proceeds swimming.  
Time goes on again on the terrace.  
Do you remember me, bliss?  
How can I get rid of this mortal music  
Which makes me recall the past?  
Even without any arid pleasure  
I miss,  
I miss...

## VIRGIN DREAMS

Every night a star touches my eyelash,  
The Moon comes out of my eyebrows,  
Having knocked at the door of my soul  
The sorrowful night becomes a guest of my eyes,  
where there is love.

Every night, I cannot ignore that virgin dreams  
Press my chest and pull me to the sky.  
Virgin dreams revolve here and there and say  
"You are not with us, sorry, we, ourselves, cannot fly."

## OH, MY BLOSSOMING SOUL

My strength is enough to shed tears from my eyes,  
I tie up chains to my hands,  
I always drink love  
And eat a love-thorn with great pleasure.

To our life that is mournful and brilliant  
Phoenix comes asking refuge  
We fly, and to our wings  
The sky comes closer and closer.

I don't care about my body,  
Oh, my blossoming soul is the capital of my spirit.  
In the slum which is unseen and full of love  
A pregnant Happiness bears a child.

## GOOD-BYE

Let me go, take your hands out of my heart,  
Set free my soul that is on your way.  
Good-bye to you, dream, which helped me recognize  
myself,  
Good-bye, this place, which is full of grief.

Let me go, I have to avoid delight,  
After all, our ways will become different.  
I know, you will stay like a virgin, very pure like you are  
now,  
Perhaps I will not be able to live in liberty.

Let me go, and I will ask God to give you long innings,  
Let me go, I wish to get rid of everything.  
My heart, having stumbled at your permission,  
Even if I die with my white and pure love,  
Let me go!

## **I WILL FIND A BELOVED**

Night falls and my soul worries,  
Hey, miracle, please show your face,  
My exhausted feelings are confused,  
I am poor, I am alone.

My eyes, please cry bitter tears,  
You may become blind; it is alright for me,  
There is no room on this earth for me,  
Will the sky take me to its bosom?

Hey, Moon, do not hurt my heart  
Do not hide yourself behind the night  
Please be a window  
To the country of miracles.

Through the lights of stars  
I will reach to you  
And when I go further  
I will not become a man from the earth.

I will find a beloved there  
The purest and the cleanest  
I will give her a name - Faithful,  
Her surname will be - Miracle.

Night falls, and my heart hurts...



# LA ISLA DE LA ANSIEDAD

*Poemas de Aazam Abidov*

*Traducción Andrea Cote*

## **NO ME DEJES DORMIR**

No me dejes dormir, compañero,  
No me ayudes si desfallezco.  
Los años que pasaron me han hecho blando.

Déjame inspirar tus anhelos.

Amablemente te pido que tomes mis manos como ayuda  
Lo que precises, tómallo, sin temor...

Empiezo a recortar las plumas de mi deseo  
para dejar que otros vayan lejos y sueñen lejos.

## **RECONOCIMIENTO**

Tu me oprimes  
No me pruebes  
Yo soy sólo probable,  
¡Mi colorido amor!

\* \* \*

La Antigua serpiente se sienta en mi hombro  
No puedo abrir mis ojos,  
No puedo abrir mis labios  
Para gratificar al Dios

Por lo demás, ahora llueve  
Yo crezco y me hago sólido –Lo que es más aún.  
El Dios está durmiendo en mi henchido corazón

### **GABRIEL, TÓCAME SUAVEMENTE**

Gabriel, tócame suavemente con tus alas  
Oh, mi gracioso –desde la trastienda- con dolorosas agujas.

O las tumbas son placenteros jardines  
o fosos profundos del infierno en que aventar los demonios

Lo que yo quiero es ser un punto en los cabellos del camello  
que como una hoja mi vida se mesa entre los vientos

Es labor del tiempo aniquilar todos los dones del derroche  
Es lo que nunca regresa –el campanazo de la vida- que no suena  
nunca

Entre los muertos, sé el más atractivo, Aazam,  
así como el mejor es Salomón entre los reyes de la tierra.

## OSCURIDAD

Busco siempre la sombra  
Todo es oscuro pensamiento  
El cielo duerme en mis ojos,  
La luna es trozo y trozo.  
Encontraré la verdadera sombra  
En la pradera del día del Juicio-  
Cuando todo perecerá  
Y sólo la oscuridad de Dios será visible

## **PRIORIDAD**

Aquello que he visto  
Blanco y Negro y Verde  
No es nada finalmente,  
todavía estamos en el tránsito.

Una hormiga muerta sobre la hierba  
Sin aspaviento alguno  
Experimentó una vastedad  
De cosas,  
Tiempos hace.

## **MENTIRA**

Hablando al señor  
Un devoto clama:  
“Observa, hay montones  
De Dudas y Porqués”

Hablando al señor  
Un devoto clama:  
No puedo permitirme  
Decirte estas mentiras

Un grupo en cielo  
Mira hacia la tierra:  
Si hay una mentira  
No hay regocijo y felicidad.

## **FÓRMULA**

Aquí está la formula:  
“La vida= Más + Menos”  
Cómo puedo ver lo correcto  
¿Si no tengo ojos?!

\*\*\*

Soy arcilla  
Líquida y frágil  
No tengo lengua  
Ni boca con qué hablar.  
Todos gustan de hacer algo  
De mí,  
Darne una forma.  
Soy arcilla  
Líquida y frágil  
Voy a través de palmas  
Y me deshago...  
Y me deshago...

## POEMA DE LA IGUALDAD

Quién eres tú-  
Hombre blanco  
                  Negro  
                          o Rojo  
gran compañía  
o amenaza,  
y cómo puedes permitirte  
ponerte en primer lugar.

Pero observa:  
¡Eres una criatura del señor!

Quién eres tú-  
                  Un musulmán  
                          cristiano  
                                  Sij

Adoras  
                  Oh, hermano  
                          Jugarle trampas,  
a quienes no pactarán contigo

Pero recuerda,  
¡Tú eres una criatura del señor!

Eres mi hermano  
Y mi hermana,  
Querido mío,  
Y Dios no verá tu color  
sino tus buenas intenciones  
y tu corazón.  
Entonces



por qué matarse unos a los otros  
por qué pelear  
si somos iguales  
y tenemos todos  
los mismos derechos.

Debería Dios tomar  
Nuestras vidas en pago?  
Dímelo,  
Tiene un precio la amistad?  
Nos dieron un tiempo  
Muy corto

Recuerda

Un día  
Todos volveremos al señor.

Quien eres tú-  
Hombre blanco  
Negro  
o Rojo,  
gran compañía o amenaza

Pasa estas palabras a otros  
Como un coro  
Somos criaturas del señor!

## EN TU ALMA

*(Ghazal)*

Dime, devoto, ¿Quién más está en tu alma?  
¿Quieres realmente que llegue hasta ella?

Llevo mis gafas de sol para esconderme de mi rival,  
Parecería que no hay “lentes de contacto” en tu alma.

Lastimaste mi orgullo; sin embargo, no soy dominante  
descubrí que la vergüenza tiene un semblante intenso en tu  
alma.

Es culpa mía –el haber tocado tan fuerte – antes de que  
sintieras amor  
No pude evitar colgar fuertes campanas en tu alma

Creencia en sangre, sin piedad, para quien yo clamo, otra  
vez,  
Azam, pobre e ingenuo, está “en venta” tu alma

## ÁNGELES DEL ESCRITOR

El día se quiebra en un desesperado pensamiento sobre  
ustedes, ángeles del escritor,  
Estoy orando, llorando lentamente y coronado de  
lamentos, ángeles del escritor.

Cada paso y cada movimiento que consideramos acertado  
pensamos si en la práctica aquello escrito llegará a ser  
verdadero, ángeles del escritor

Yo soy un pecador, llevo una pesada carga en mis  
obscenos brazos  
Deseo un corazón abierto y puro como el rocío, ángeles  
del escritor

El Libro de los hechos por completo llora o danza en  
antiguas páginas,  
Olvidé mi pasada traición, miro a través, ángeles del  
escritor.

¿No se han cansado aún de pasar la vida en los hombros  
del hombre?  
Cambiemos de lugar por una vez, es esa la espera de Azam,  
ángeles del escritor.

## MUJER LEYENDO

Una mujer está sentada en la villa  
La villa está en un basurero  
Y la mujer tiene una joroba:  
Ella está leyendo

Está oscuro en el basurero,  
Una luz tenue  
Cruza la villa

La mujer está leyendo  
Bajo la pálida luz de la vela

Su esperanza de vida es tenue, muy tenue  
La mujer está leyendo en mi sueño

\*\*\*

El gusto es diferente,  
Pero yo adoro el hecho  
De que alguna gente tenga sed  
De una vida post mortem

## OH, MI ALMA FLORECIENTE

Mi fuerza es suficiente para verter lágrimas de mis ojos,  
Ato cadenas a mis manos  
Y siempre bebo y como  
punzadas de amor con placer.

A nuestra vida, que es dolorida y brillante  
Llega Fénix a buscar su refugio.  
Volamos a nuestras alas  
Y el cielo se acerca más y más.

No me importa mi cuerpo,  
Oh, mi alma floreciente es la capital de mi espíritu.  
En un barrio todavía no visto y lleno de amor  
Una felicidad embarazada aguarda un niño.

## VIUDA

Con sólo una palabra de Dios  
Jesús nació de su madre sin padre alguno,  
Tú, viuda, quieres beber de la gracia de la madre María  
Y fuerzas y malgastas tantos años.

Oh, Madre María, es largo el camino de la fidelidad  
Ruega la paciencia para esta viuda  
Que una palabra de Dios baje del cielo  
Y levante su cabeza.

## ADIÓS

Déjame ir, saca tus manos de mi corazón,  
Libera mi alma que está en tu camino,  
Me despido, sueño, que me ayudaste a reconocermé,  
Me despido, lugar, que estás lleno de pena.

Déjame ir, tengo que evitar el deleite,  
Después de todo, nuestros caminos serán distintos.  
Lo sé, tú permanecerás como una virgen, pura como eres  
ahora,  
Y quizás yo no estaré capacitado para vivir en libertad.

Déjame ir, y pediré a Dios que te abra las puertas  
Déjame ir, deseo deshacerme de todo.  
Mi corazón, tropieza por el permiso tuyo  
Incluso si muero con mi amor puro y blanco  
Déjame ir!

## ENCONTRARÉ MI AMADA

La noche cae y se inquieta mi alma  
Hey, milagro, enseña tu rostro  
Mis sentimientos exhaustos están confusos,  
Yo soy pobre y estoy solo.

Mis ojos lloran ácidas lágrimas  
Tu quedarías ciego, pero para mí está bien  
No hay lugar para mí en esta tierra  
Me tomará el cielo en su seno?

Hey, Luna, no hieras mi corazón  
No te ocultes detrás de la noche  
Sé una ventana  
Al país de los milagros.

A través de la luz de las estrellas  
Te alcanzaré  
Y cuando vaya más lejos  
No seré ya un hombre de la tierra

Allí encontraré a mi amada  
La más pura y más limpia  
Le daré un nombre- Fidelidad  
Y su segundo nombre será- Milagro

La noche cae, siento pena en el corazón



\*\*\*

Amor...

Eres puro como un grávido sueño  
Eres el cielo cuando alguien vuela y el cielo le revive  
Eres el suelo que merece restregar los ojos en él  
Tienes miles de cualidades, incluso eres un enemigo.

Cada noche una muchacha llora y llora  
Amor, no amaré más, es una pena  
La muchacha no puede dejar a un hombre que es casado  
La muchacha ama al hombre que tiene un hijo

Amor...

## CUÁN FELICES SOMOS

Amar es como estar ciego  
Una mujer torpe y un hombre esclavizado se convierten en  
afortunados  
Nosotros no estamos hechos para este mundo  
¡Somos demasiado felices!

Nuestro amor no tiene precio  
Nuestro amigo es leal en verdad  
No nos importa este mundo  
¡Somos demasiado felices!

Somos tan felices que la felicidad  
Nos mira con duros ojos de envidia  
Mejor morir, si no nos llega la muerte a tiempo,  
Como otros que han muerto prematuramente.

## LO QUE ES DIFÍCIL

¿Hacia dónde fluye la corriente del río?  
¿Qué aguarda para el río al final?  
¿No gemirán las ondas de este río  
Cuando se hunda entre la arena?

Río, tus aguas son turbias  
Pero tu alma no lo es.  
Y sin embargo, lo que es difícil  
Y más grave  
Es fluir y no saber hacia dónde.

## SUEÑO EN LA OSCURIDAD

Estaba demasiado oscuro alrededor y en esta sagrada oscuridad el Amor dio a luz un niño. La Madre Amor sabía que se trataba de mi Sueño. El sueño abrió sus ojos. Ojos demasiado negros en aquella oscuridad, y en tanto oscurecía comenzaba a encogerse el corazón del sueño. “Ven aquí” – Dijo el amor- tranquilo, dame tu mano y yo te llevaré a través de este dolor  
Es una pena – estaba oscuro en todas partes-  
En el cuarto  
En el patio  
En el corazón.  
El Sueño suspiró y murió  
El sueño partió a los espacios sin luz.

## LA GENTE QUIERE LEERME

Visto una traje  
Largo  
De la cabeza hasta los pies.  
Está hecho de letras árabes,  
De hilo hecho de algodón y piedra,  
El hilo es dorado  
El algodón y la piedra tienen la forma  
De letras árabes.  
La gente quiere leerme,  
Lo intentan.  
Algunas veces son las letras de algodón  
Las que tocan sus ojos  
Otras, son las de piedra.  
Ellos quieren leerme  
Ellos quieren leer al que nunca supo leerse a sí  
mismo.

## MÚSICA UNIVERSAL

El hada y yo  
creamos una música universal  
de las hojas y las plantas,  
de los escarabajos y las hormigas  
del cuadrado y el cono  
y del cajón y la caja.  
Todos lleno de materia  
con qué hacer la música universal.

Las aves toman la música  
que estaba impresa  
primero en sus redes,  
la calientan y hacen una tuna.  
Luego la ponen en sus alas  
y la dispersan a través del mundo.

Las otras hadas esperan pacientemente  
Por su turno.  
Nosotros creamos una tonada universal,  
Hacemos escuchar la clave del corazón.

## YO SIENTO ARDOR EN MÍ

He pasado un día, uno más,  
y el tiempo encumbra ya el futuro  
Ya sea que ganara o perdiera,  
En mi vida siempre fui ambicioso.

Dónde están ahora el ardor y la luz?  
Qué ha resultado de este hueso blando?  
La vida me muestra, al final  
Que lo que es uno es un VALIOSO saber

Deja de atarme!, antigua vida  
Yo siento ardor en vez de corazón,  
Ya el tiempo no me engaña  
Y mi vida jamás la cortaré.

## HAY UN AVE

Me dijeron que soy un ave  
que se ajusta a todas las estaciones,  
para conocerme a mí mismo  
no podría nunca  
volar alrededor de las alas que tendré

Sin embargo, no cantes por mí  
No me elogies, no lo compongas  
Hay un ave que si la liberas  
Vuola de nuevo a su jaula.

No digas nunca que soy como esa ave.



## SUEÑO VIRGEN

La estrella toca mis pestañas cada noche  
Detrás de mi frente la luna asciende.  
Golpeando a la entrada de mi corazón  
Está la noche,  
como un huésped que vendrá pronto.

Cada noche, llamando al cielo,  
Se imponen las aves que parecían tan puras.  
“No estás con nosotros, no puedes volar”  
“Ven”, me dice el convulso sueño virgen.

## NOCHE

Gracias. El ruido ha cesado. Sólo silencio.  
La luna se ha quedado detrás de la casa  
La pena se ha cansado en el salvaje  
El lloroso es tal vez afortunado.

Todo alrededor de la puerta adormilada,  
La desnuda paciencia debe regar  
la tierra sin fin —que aunque pequeña—  
está cuidada por un aterrado guardián.

## **MUY LARGA**

Nos esforzamos por ir a países ricos  
Y enviamos a nuestros esposos y esposas  
A cumplir duros trabajos  
Y a venderse a sí mismos.

La gente en el país  
Celebra lujosas bodas  
con el dinero enviado  
y cantan la canción de la felicidad

Todos trabajamos para el gobierno,  
La lengua del gobierno es muy larga.

## **CERCA Y LEJOS**

El pavor está cerca de mí  
Cerca de mi alma.  
Como tengo temor de él  
Huyo  
Me escapo  
Y estoy lejos de la agudeza.

Sólo una cosa:  
Cuando le temo  
Me pongo más cerca  
Con mi eterno pavor.

## **SOBORNO**

Es entendible  
Aceptar un soborno o darlo  
En los negocios o en la vida social.

Sin embargo,  
La gente me mata con un cuchillo  
Que no tiene filo.  
Toman y dan sobornos  
Para ir a la Meca por purificación

Cornudo peregrinaje!

## TEMPRANO EN LA MAÑANA

*(Para Sherry Ashworth)*

Dos gatos abren Windows  
Y modernizan el computador

Escriben su propia historia en líneas.  
Están lloviendo perros y gatos en la calle  
Lejos se escucha una música pesada  
El amanecer asciende lentamente  
Hasta encontrarse con un día feliz.

El escritor está mirando un soleado Uzbekistán  
Y el primer viaje de ella  
En su sueño.

## МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

**АЪЗАМ ОБИДОВ** – шоир, таржимон, Тошкентдаги Бадиий ижод ва таржима клуби асосчиларидан бири. Улуғбек номидаги жамғарма ҳамда “BBC” ўзбек хизматининг адабий мукофотлари совриндори бўлган. “Осиё оҳанглари”, “Йўлимни пойлайди мўъжиза”, “Соғинтириб кетгум қадамларимни” каби шеърӣй ва таржима китобларнинг муаллифи. Ўзбек шеърӣяти ва насрини жаҳон адабий саҳнасига олиб чикиш орзусида меҳнат қилмоқда.

## ABOUT AUTHOR

**AZAM ABIDOV** is poet and translator, one of the founders of the Creative Writing and Translation Club in Tashkent, winner of Ulughbek Fund’s prize for poetry. He also gained BBC Uzbek Service’s award for literature. He published more than ten poetry and translation books, including *Tunes of Asia* (anthology of contemporary Uzbek poetry in English); *A Miracle is on the Way*; and *I leave You in Complete Boredom*. Azam tries to become a bridge between contemporary Uzbek literature and World Literature. He attended creative writing programs, poetry and translation festivals in the USA, Germany, Sweden, Russia, India, Kazakhstan and Colombia.

## BIBLIOGRAFIA DE AUTOR

**AZAM ABIDOV** nació el 8 de noviembre de 1974 en Namangan, Uzbekistán. Es poeta y traductor. Terminó estudios de filología. Publicó los siguientes libros de traducciones, entre otros: *9/1*, (traducciones de relatos de Salomat Vafo, 2007); *Te dejo en total aburrimiento* (poemas y traducciones de poesía y prosa del mundo - Tashkent-2006); *Blanca sombra. Davsaman. Un milagro está en camino* (antología poética de los poetas uzbekos Uroz Haydar y

Bahrom Ruzimuhammad, 2005); *Melodías de Asia* (traducción al inglés de la antología de poesía uzbeka, 2004); *Sueño de amanecer con algo de luz* (traducciones de poesía uzbeka, 2001). Algunos de sus libros de poesía más destacados son: *Yo'limni Poylaydi Mo'jiza* (2000) y *Love In My In* (2000). Sus poemas han sido antologados en Uzbekistán, Japón, India y Colombia. Ha traducido al inglés los subtítulos de varias películas de su país. Entre otros reconocimientos recibió el Premio de la Fundación “Ulughbek” (1996, 2000). En 2007 tomó parte en el Festival Internacional de Poesía en Calcuta, Estado de Kerala; Festival de Poesía de Medellín en Colombia; y en la Conferencia Internacional sobre Sufismo, tradición y poesía sufí, en Nueva Delhi.